



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 13 апрель куни Оксфордда Венгрия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ференц Контра ишонч ёрлиги топшириди.

Мамлакатимиз раҳбари дипломатни янги лавозимга тайинлагани муносабати билан кутлар экан, Ўзбекистон-Венгрия муносабатлари изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Ушбу мамлакатнинг яқинда НАТОга қабул қилингани, май ойида Европа Иттифоқи сафидан жой олиши икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Президент Ислам Каримовнинг 2002 йил октябрдаги Венгрияга расмий ташрифи чоғида ушбу мамлакат раҳбарияти ва етакчи ишбилармонлари билан самарали мулоқотлар ўтказилган, кўплаб икки томонлама фойдали келишувларга эришилган эди. Айни пайтда Ўзбекистон ва Венгрия барча соҳаларда ҳамкорликни имкониятлар даражасига кўтариш йўлидан бормоқда.

Ф.Контра самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ўз фаолияти давомида Ўзбекистон-Венгрия савдо-иқтисодий муносабатларига алоҳида эътибор қаратиш ниятида эканлигини таъкидлади.

Шу куни Президент Ислам Каримов Канаданинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Кристофер Уэстделдан ишонч ёрлигини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон ва Канаданинг халқро микросоҳаги кўпгина муаммоларга қаршлари ўхшашлиги халқро ташкилотлар доирасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга асос бўлмоқда. Айниқса, халқро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги, оммавий киргин куролларнинг тарқатилишига ва нарқобизнесга қарши курашдаги ҳамкорлик долзарб масалалардандир.

Ўзбекистон ҳукумати Канада билан сиёсий, савдо-иқтисодий ва иқтисодий алоқалар миллий манфаатларимизга мос эканлиги ва бунинг учун улкан салоҳият мавжудлигини ҳисобга олиб, 1999 йилда мазкур мамлакат билан ҳамкорликни ривожлантириш дастурини қабул қилган.

Калгарда Ўзбекистон нефт-газ саноатининг таъминотини ўтказиш мўлжалланмоқда. Икки мамлакат олтин казиб чиқариш, самолётсозлик, машинасозлик ва кўплаб бошқа соҳаларда ҳам самарали ҳам-

корлик қилиши мумкин. К.Уэстдел Ўзбекистон ва Канада ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида кўп имкониятларга эга эканлигини таъкидлаб, бунинг учун олий даражада икки томонлама учрашув ўтказиш, халқро ташкилотларнинг анжуманлари доирасида мулоқотларни фаоллаштириш мақсадаги мувофиқ, деб ҳисоблашини таъкидлади.

Президент Ислам Каримовга Руминиянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Константин Алекса ҳам ишонч ёрлиги топшириди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан яқинда НАТОга қабул қилинган Руминия ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун икки томонда ҳам имкониятлар кўплигини таъкидлади.

Мамлакатларимиз сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва иқтисодий соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзаро савдо алоқаларида барча ҳуқуқий асослар яратилган. Лекин кўрсаткичлар имконият даражасида эмас. Ўзбекистон-Руминия ҳукуматларо иқтисодий кенгаши ўзаро савдонинг ривожлантириш ва бошқа иқтисодий масалалар билан шуғулланмоқда.

Руминия элчиси қабул учун миннатдорлик билдириб, икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Алеш Фойтикан ҳам ишонч ёрлигини қабул қилиб олди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон ва Чехия бир-бири учун ишончли шерик эканлигини таъкидлади. Ўтган ойда НАТО сафидан жой олган Чехия яқинда Европа Иттифоқи ҳам қўшилиши ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар очди.

Савдо-иқтисодий соҳада икки мамлакат ўртасида имкон қадар кўпроқ қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. Айни вақтда иқтисодий, саноат ва фан-техника соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматларо янги битим тайёрланмоқда.

Чехия элчиси ўз фаолияти давомида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга устувор масала сифатида ёндашини таъкидлади.

(ЎЗА)



Устюрт газу

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасининг «Учсой» мавзесида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига қарашли «Устюртгаз» унитар шўъба корхонаси ишлаб турибди. Шу йилнинг февраль ойида мазкур жамоа Шарқий Бердақ газ тақсимлаш мажмуининг қурилмаси орқали қайта ишлаш корхоналарига 54,7 миллион куб метр табиий газ, 1288 тонна газ конденсати жўнатди.

СУРАТДА: Шарқий Бердақ газ тақсимлаш мажмуи қурилмасининг бошлиғи Икром Саидов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ёш фермерлар ўқуву

Фермер бўлиш иштиёқидаги ёшлар қандай сифатларга эга бўлишлари керак? Ташаббускор, ишбилармон...

Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат университети ҳузуридаги «Турон» ёшлар маркази ташкил этган ўқувда иштирок этаётган ёш фермерлар ана шулар ҳақида кўника олаётдилар. Асосий машғулотлар Қорақалпоғистоннинг фермерлик ҳаракати ривожланган туманларда ўтказилаёттир.

— Фермерлик мамлакат қишлоқ ҳўжалигининг эртанги кунини белгилайди, — дейди марказ раҳбари Б. Елмонов. — Айни чоғда ёш фермерларнинг бугунги ишлари ҳам баракали бўлмоғи керак. Машғулотлар ана шу хайрли ишга хизмат қилмоқда.

Я. ҚўЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимиз иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, икки бозорни ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чоғида асосий эътибор чегараларда божхона назоратини кучайтириш, товарларнинг ҳақиқий миқдори ва қийматини белгилаш билан банд бўлиб келди. Маҳалла тўловларини ундириш, контрабандага қарши курашиш, хизмат интизомини мустақамлашга қаратилди.

Ана, натижаси: Гулчечак хонадонларида бугун газ ёнмоқда. Кўчаларга шағал тўқилмоқда. Йўл четлари га ўтказилган чиқоллар япроқ ёзмоқда.

Қизирик туманидаги «Гулистон» маҳалласида бир одамнинг кўрасига ўғри тушиб, гумон, ҳадик шамоллари эсгандай бўлиб қолди. Маҳалладошлар жабрдида одамнинг мустар аҳволига томошабин бўлиб ўтирмадилар. Воқеани тегишли идораларга etkazдилар.

Маҳаллада ҳозир футбол, гимнастика клублари ишлаб турибди. Фолклор-этнографик бадий дастасига 7 яшардан 70 яшаргача бўлган санъат шайдолари қатнашади. Ёшларга қосибди, хунармандлик сирларини ўғратадиган тўғараклар бор. Тик этган ноҳуш шарпа одамларнинг назаридан четда қолмайди. Ногирон, бошқаларнинг кўмағига эҳтиёткорлик билан маҳалларидан миннатдор.

— Маҳалларнинг тизими бизда, ролдан ҳам, ўзини ўзи бошқарув, демократия институтига айланган бормоқда, — дейди республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими бошқаруви раиси Эркин Қўчкинов. — Мен, маҳалларимизда фалон минг тул ниҳол экилди-ю, яна шунча гул ўстириб, бошқа ободончилик ишларини бажармоқда, деган баландпарвоз гапга ургу бермоқчи эмасман. Хонадон саранжом-саршта, эл-юрт обод, Ватан кўтларини дахлсиз ва покиза бўлмоғи керак. Бу йўлда ҳар бир фуқаро, керак бўлса, ўз юрти — Ватанининг хизматкори бўлиб хизмат қилиши керак.

Хизмат қилаётти ҳам. Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олий Мажлис XIV сессияси олдидан



Кўмитамиз ўз фаолиятини Олий Мажлиснинг 2004 йилга мўлжалланган қонунчилик ва назорат-таҳлил ишлари, шунингдек, қўшимча тадбирлар режалари асосида олиб бормоқда.

миллаштиришда фойдаланилди.

Кўмитамиз бу йил ҳам, доимгидек, назорат-таҳлил фаолияти бўйича қатор қонунларнинг жойларда бажарилишини ўрганишни ре-

Қонун ижросини таъминлаш бурчимиздир

Иккинчи қақриқ Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессиясида биринчи ўқишда маъқулланган «Қизил яри ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш» ҳақида уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси матбуотда эълон қилинган,

кўмитага депутатлар, вазиликлар, идоралар ва фуқаролардан юзга яқин тақлиф ва мулоҳазалар келиб тушди. Улар қонун лойиҳаси устида ишлаш учун тузилган ишчи гуруҳ томонидан ўрганлиди ва лозим топилганларидан лойиҳани тако-

жалаштирган. Жумладан, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуннинг Самарқанд вилоятдаги ижроси ўрганилди. Кўмита аниқланган камчиликларни бар-

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимизда

КУНЧИҚАР ЮРТ ТУХФАСИ

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири Назолат УСМОНОВА).

Ўзбекистон давлат консерваториясига Япония ҳўкуматининг хайрия гранти бўйича олинган чолғу асбоблари ва аудио усқуналар топширилди. Айни вақтда ушбу санъат қоҳонасида Кунчиқар юртда ишлаб чиқарилган рақамли овоз ёзиш усқуна ва асбоблари билан жиҳозланган икки студия ишлаб турибди.

Қиймати 414 минг 200 АҚШ долларига тенг мазкур грант доирасида топширилган янги муסיқа жиҳозлари, хусусан, зарбли чолғу асбоблари ўзининг бетақорлиги билан ажралиб туради. Тақдир этилган чолғу асбоб-усқуналари ва техник жиҳозлар ёшларнинг замонавий муסיқа санъатини пухта эгаллашларида қўл келади.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар, айниқса маданият соҳасидаги ҳамкорлик фаол ривожланаёттир, — деди Япониянинг юртимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Акио Кагато. — Аънавий ўзбек миллий чолғу асбоблари ўзининг бетақорлиги билан ажралиб туради. Тақдир этилган чолғу асбоб-усқуналари ва техник жиҳозлар ёшларнинг замонавий муסיқа санъатини пухта эгаллашларида қўл келади.

Тадбирда янги чолғу асбоблари ва техник воситалар ёрдамида ўзбек ва жаҳон композиторлари асарларидан намуналар ижро этилди.

Жойлардан хабарлар

«Фарзандингман — жон Ватан»

Урганча вилоят ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш жамияти ташаббуси билан «Фарзандингман — жон Ватан» мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари мусавирлик, хунармандлик сингари бир неча йўналишда ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Ногирон болаларни чизган бахтли болалик, она дийрни тарангун этувчи суратлар, уймақорлик ва ганчкорлик усулида ишланган буюмлар барчада катта таассурот қолдирди.

Ғолиблар тадбир сўнида ҳомий ташкилотларнинг қўмнатбаҳо совғалари билан тақдирланди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Жиззахпластмасса» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ишлаб чиқараётган маҳсулотларга нафақат республикамизда, балки қўшни мамлакатларда ҳам талаб катта. Шу боси ҳам корхонанинг экспорт салоҳияти тобора ошиб бормоқда.

Чикинди четда қолмайди

Яқинда корхона жамоаси ана бир хайрли ишни бошлади. Вилоят пахта далаларида фойдаланилган пленка йиғиб олиниб, чикиндидан иккиламчи хомашё тайёрлаш йўлга қўйилди. Хомашёдан эса пешма-пеш ҳар хил қувурлар, ҳўжалик анжомлари ишлаб чиқарилади. Қувурлардан эса ер ости алоқа кабелларини ўрнатишда кенг фойдаланила бошлади.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» назоратида

Эътирозлар ҳисобга олинади

«Дийннатдан айирмасин» («Халқ сўзи», 2004 йил 14 январь) сарлавҳали мақолада бозорларимиздаги ноҳуш ҳолатлар, харидорларнинг ҳақли эътирозлари ҳақидаги фикрлар баён қилинган эди. Мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси «Тошбозор-тайёрловсавдо» уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Р.ИЛХОМОВ имзоси билан расмий жавоб олди.

Унда таъкидланишича, мақолада қайд этилган танқидий мулоҳазалар юзасидан бозор акциядорлик жамиятлари раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилган. Ушбу масалада назорат ташкилотлари билан биргаликда амалий чоралар кўриш тўғрисида топшириқлар юқлатилган.

Барча бозор акциядорлик жамиятлари ҳудудида миллия, солиқ ва истеъмолчилар ҳўққини ҳимоя қилиш кўмиталарининг таянч пунктлари ташкил этилган. Бу таянч пункти ходимларидан ноқонуний савдо фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чоралар кўриш сўралган.

БОЖХОНАЧИЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАСИ

Жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида давлат буюжети га 84,3 миллиард сўм божхона тўловлари ўтказилди ва бу борадаги топшириқ 104,1 фоиз бажарилди. Бу 2003 йилнинг шу даврига нисбатан 21 миллиард сўм кўп дематди.

Жойларга нарх маълумотларини мунтазам равишда etkazиб бериш ҳамда улардан келиб чиққан ҳолда товарларни реал баҳоларда расмийлаштириш йўлга қўйилгани, қўшимча тўлов захираларининг излаб топилиши ва ишга солиниши, муддати ўтган дебитор қарзларни ундиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилгани ана шу натижага эришишда асосий омил бўлди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз йўллари бўйлаб хорижий мамлакатлар автоуловларининг транзит қатнови тобора кўпайиб борапти. Бу эса ишончли даромад манбаига айланмоқда. Йил бошидан буён ана шундай автоулоқташувчилардан 1,56 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ тушди.

(Давоми 2-бетда).

Маъмурий ислохот

Кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви бугунги куннинг барча талабларига жавоб берадиган давлат бошқаруви янги тизимини яратиш зарурятини белгилаб берди.

агентлигининг янада самарали ташкилий тизимини яратиш борасида катта ишлар амалга оширилди.

«Ўзстандарт»: бошқарув тизимида ўзгарувчун кўн

Агентлик зиммасига стандартлаштириш, метрология, сертифицилаштириш ва аккредитациялаш юзасидан ягона давлат сиёсатини юритиш ҳамда умумий қондаларни белгилаш юклатилган эди.

яни турдаги маҳсулотларни яратиши ва ишлаб чиқаришига жорий этиши мумкин. Сертификациялаш, синопсис, метрология ташкилоти ва ахборот хизмати оид ишларни худудий синаш ва сертифицилаш марказлари мустақил амалга оширадир.

фиқлиги, синов пайтида яроқсизга чиқарилган маҳсулотлар тўғрисида маълумотлар олиш имконияти юзага келди.

ларига мослаштиришга (халқаро ташкилотлар билан биргаликда) тайёргарлик даврида миллий микёсда сўров ўтказишнинг ахборот нуктасини ташкил этиш мумкин ўрин тутди.

Хусусан, стандартлаштириш ва метрология худудий бошқармаларига маъмурий-худудий стандартлаштириш шакллантириш бўйича ишларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш ҳуқуқи берилган.

Аммо идоралар ва лабораториялар фаолияти ягона синаш ҳамда сертифицилаш сиёсати орқали мувофиқлаштириш лозим. Бу билан «Ўзстандарт» агентлиги қандайдиган аккредитация Кенгаши шугуллабди.

Айни пайтда республикада ва чет эллар қўлланиладиган меъёрий ҳужжатлар бўйича маълумотлар базасини яратиш учун «Ахборот-маълумот бюроси» бўлган давлат унитар корхонасини ташкил этиш кўзда тутилган.

Ташкилий структурадаги ўзгаришлар билан бир қаторда бозор иқтисодининг халқаро қоғда ва таъминотларини ҳисобга олувчи сертифицилашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва ягона ўлчов таъминоти ҳамда ўзгаришларни киритиш шарт бўлган маҳсулотлар ва хизматлар рўйхатининг янги қўрилиши тайёрланди.

БОЖХОНАЧИЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАСИ

Давоми. Боши 1-бетда.

климабатдан товарларнинг ҳужжатларини қалбақлаштириш, қиймати ва микдорини камайтириш каби ташкил иқтисодий фаолиятдаги қонунбузарликларни аниқлашга жиҳд этиб бериш бермоқдалар.

Дийдорлашу

Вояга етган ҳар бир йигит кўнглида ширин орзулар, улкан режалар бўлади. Бундай мақсадлардан бири Ватан олдидаги бурчини ўташдир.

Қадамидан ўмчакнаган йиғитлар

— Ҳаёлинг жойидами ўзи, яхшилаб қара ўндан қирқта ўти-ку! Ҳа-я, дарвоқе, уни қандай уйлантиришмоқчи.

МИНЕРАЛ ҲҒИТ БИРЖА САВДОСИДА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ (ЎАА муҳбири Нозимат ДУШАЕВ).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 13 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қўндаги қийматини белгилади: /

Шунингдек, ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида чегараларимиздан ноқонуний равишда товар олиб ўтиш ёки божхона қонунқондаларини бузиш бўйича йилнинг биринчи чорагида 7 миңдан ортиқ ҳолат аниқланди, ашёвий далил сифатида ушлаб қолинган товар-моддий бойликларнинг умумий қиймати 2,2 миллиард сўмини ташкил этди.

Table with 2 columns: Currency and Value. Includes entries for 1 Хетой юани, 1 Малайзия рингити, 1 Поляна злотийси, etc.

Маълумки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ армиянинг сафларида сараланган йиғитларни қабул қилиш ва Ватан олдидаги йиғитлик бурчини ўтаб бўлганларни заҳирага бўшатилиш учун йилда икки марта чақирув ўтказилади.

— Ҳаёлинг жойидами ўзи, яхшилаб қара ўндан қирқта ўти-ку! Ҳа-я, дарвоқе, уни қандай уйлантиришмоқчи. Ота-онаси келишида шундай гап бўлувди. Ҳозир шу ҳақда ўйлаётган бўлса керак.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 13 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қўндаги қийматини белгилади: /

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 13 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қўндаги қийматини белгилади: /

Table with 2 columns: Currency and Value. Includes entries for 1 Австралия доллари, 1 Англия фунт стерлинги, 1 Дания кронаси, etc.

Table with 2 columns: Currency and Value. Includes entries for 1 Хетой юани, 1 Малайзия рингити, 1 Поляна злотийси, etc.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 13 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қўндаги қийматини белгилади: /

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 13 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қўндаги қийматини белгилади: /

2004 йил



Меҳр кўнгилларни бирлаштиради, инсонлар ўртасида оқибат уруғини сочади. Меҳр-оқибати халқимизда, ота-онасиз қолган, етим болаларни кўриб, юрагимиз оғриқдан тўлғанади. Бештиёр кўзимиз аччиқ ёшга тўлади. Чилонзор тумани Антонина Хлебущина номидаги 22-Меҳрибонлик уйида ота-она меҳридан маҳрум, аммо жамиятда ўз ўрни бор болалар тарбияланади. Уларни меҳрдан буткул мосуво бўлган болалар, дейиш ҳам унчалик тўғри эмас. Бу масканда улар тарбиячиларнинг меҳрига, эътиборига сазовор.

Меҳр ва мурувват йили

УМИД БИЛАН БОҚҚАН НИГОҲЛАР

22-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар бир-бирлари билан ака-ука, опа-сингилдек бўлиб кетишган. Улар оила аъзоларига қаттиқ риоя этишади. Оила муқаддас эканлигини тушуниб, англаб етган болалар кўнглида нафақат ақинларига, балки уларни ташлаб кетган ота-оналарига нисбатан ҳам заррача ғараз йўқ.

— Биринчи марта ушбу Меҳрибонлик уйига ишга келганимда жуда қаттиқ таъсирланганман, — дейди тўққиз йиллик умрини болалар тарбиясига бағишлаган тарбиячи Хафиза Рапиқова. — Уларнинг кўзларидан муң, изтироб юрагимни эзиб юборган. Айниқса, бир-биридан чиройли ўғил-қизларни кўриб, шундай фарзанддан ҳам ота-она тоғини мумкинми, деб ўйлардим.

Кўпинча бир ишни бошладан аввал унинг оқибатини ўйламаймиш. Фарзанддан тонши энг оғир гуноҳ эканлигини билиб турсакда, қилган ишимизни хаспўшлаймиш, гўё бу йил адолатлидек тўлаверарди. Аслида-чи? Инсон учун бир маротаба берилган ҳаётни фақат шод-хуррамликдан иборат, деб ўйлаймиш. Изтироб чекишни эса бегуноҳ фарзандларга қўйиб берармиш.

Хафиза Рапиқованинг айтишича, бу ерда қизлар ва ўғил болалар миллий урф-одатларимизни, одоб-ахлоқ нормаларини ҳам мукамал ўрганишар экан.

Болалар ётоқхоналари билан таншар эканмиш, у ердаги тартиб, озодлик, айниқса, уларнинг одоб билан сўрашлари бизни хайратда қолдирди. Ҳар бир бола учун ажратилган жойларда уларга зарур бўлган жиҳозлар тартиб билан жойлаштирилган. Уларнинг

кўзида бир вақтлардагидек муңни эмас, балки яшашга бўлган иштиёқни кўриш мумкин.

— Бу ерда кўпроқ нималарни ўйлайсизлар? Саволнинг жавобини ўзимча билсам-да, рўпарамдаги чиройли қиздан атайлаб сўрадим. Негадир у мен кутган жавобни айтмай, балким ўз оруз-ўйлари ҳақида гапириб, хайратимни оширди.

— Кўпроқ яхши ўқишни ўйлаймиш. Бизнинг ҳам жамиятда тутган ўрнимиз бўлишини, бировлар ортимиздан ачинаб эмас, балки ҳавас билан боқишини истаймиз, — дейди Фаарида Абдуллаева. — Мен ўзим мактабда аъло ўқиб билан бирга, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашаман. Келгусида яхши шифокор бўлсам дейман.

Фаарида ўз келажаги ҳақида гапирар экан, унинг орузлари ҳақиқатга ақинлигини сезаман. Шу пайт киёфаси жиддий, ёш бўлсада, фикрлари дадил бир бола эътиборини тортди.

— Катта бўлсам, прокурор бўлман. Адолатли жамият қуришда ўзимнинг тақдирларимни киритаман. Ушундан мени ташлаб кетган онам олдимга келади. Мен эса унга меҳрибончилик кўрсатиб, соғинч деган туйғунни бошқа ҳис қилмай яшайман.

Марғилондаги 1-Меҳрибонлик уйидан келган бу йигитча Муслимбек Жўраев экан. У аъло ўқиб билан бирга, санъатга ҳам қизиқарди. Чолгу асбобларнинг деворли барисини чала олади. Бундан ташқари, спорт билан мунтазам шуғулланиб, «таэквондо» бўйича яшил белбоғ соҳиб бўлибди. Уни яна сўхбатга тортаман.

— Бу йил еттинчи синфга ўтдим. Тарбиячилардан

ҳеч нолимайман. Ҳаммаси ўз онамдек бўлиб қолган. Фақат бир нарса, баъзида, кимидир соғинганимда ўша инсоннинг йўқлигидан кўнглим чўқади. Бошқа болалар қатори ўз оиланг, уйинг, ота-онанг бўлишига ҳеч нарса етмас экан.

Уйланиб қоламан, бу ерда болалар учун ҳеч қандай камчилик йўқ. Шундай бўлса-да, ота-она меҳри барча нарсадан устун эканлигини болаларнинг ўзларидан эшитиб, бир оз хижолат-тортгандек бўлман. Фей-л-авторимиздаги баъзи ўзгаришларни ҳисобга олмай, болалар кўнглини олиш бизнинг бурчимизга айланмоғи керак.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўзлари яшаётган маҳалладан ҳам катта кўмак олиб туришади. Бу ҳақда иккинчи Чарх-Камолон маҳалласининг вакили Хайрулла Хамроҳўжаев қуйидагиларни билдирди:

— Маҳалламиз ушбу Меҳрибонлик уйини оталиққа олганидан ҳеч афсусланмаймиш. Болалар ўзимизнинг болаларимиздек азиз бўлиб қолган. Ўзим иш юзасидан ёки шундай бўлса-да, бировага кириб ўтаман. Болаларнинг тарбияси жуда ўрнида. Уларни оилалардаги мавжуд аҳвол билан таъиништириш учун маҳалламизга меҳмонга тақлиф қилиб турамиш. Бундан болалар жуда хурсанд бўлишади.

Болаларни севган, уларга ғамхўрлик қилган одам ҳеч қачон ҳам бўлмаса керак. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига меҳрибончилик кўрсатаётган инсонларни бир сўз билан эзгу нияти одамлар дегинг келади. Кўпинча биз ота-онасиз болаларга озгина

мурувват кўрсатиб, кўрагимизга уриб, савоб иш қилганимиздан фахрланиб кўямиз. Лекин ушбу маҳалла ақлининг кўрсатган савобларини санаб адоғига етиб бўлмайди.

Шу ўринда бизда ҳам баъзи мулоҳазалар туғилди. Хўш, Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар вояга етгач, уларнинг кейинги ҳаёти билан ким қизиқади? Уларнинг мустақил ҳаётда ўз ўринларини топишида адашмаслигига қафолат борми? Худди шу саволлар билан Меҳрибонлик уйи директори Матлуба Охуновага юзландим.

— Болаларнинг ҳаётидан албатта, хабардор бўлиб тураман. Улар мактабни битиргач, ўз хоҳиш истакларига кўра олий ва ўрта махсус ўқув юрталарига ўқишга киришади. Баъзилари ҳунар ўрганиб, ишга жойлаштирилади. Уларни шунча йил тарбиялаб, кўчага ташлаб қўймаймиз.

Айни пайтда Меҳрибонлик уйида 87 нафар бола тарбияланади. Утган йили 17 нафар битирувчимизнинг ҳаммаси ўқишга, ишга жойлаштириди. Шулардан Илёс Ражабов Суворов номидаги харбий лицейга ўқишга кирди. Арқайди Ва Марина эса Иссирода таҳсилни давом эттирмакда. Улар билан ҳамма ҳам фарҳанамиз. Фаолиятига олтими йил тўлган бу масканда айни пайтда уч мингта яқин болалар тарбияланган. Хозирда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган йигит-қизларнинг муваффақиятларидан биз ҳам қувонамиш. Яна бир нарса, кўчилиги-никоҳ тўйларига оқ фотиҳа беришимизни сўраб келишади.

Гоҳида болаларнинг ҳаёллари озгина паршон бўлиб қолса, ташвишга тушиб қоламан. Баъзан бо-

ласини кўргани келган ота-оналар уларнинг юрагини ориштириб кетди. Шундай пайтда кўпинча оналарга мунтазам келишини маслаҳат бераман. Иложи бўлса дам олиш кўнларида, байрамларда уйда бирга бўлишса, боланинг кўнгли бир оз кўтариларди. Лекин минг афсуски...

Уттиз йиллик иш фаолиятини болаларнинг тарбиясига бағишлаган Татьяна Пуставалованинг айтишича, бир пайтлар болаларни йиғиб, уларни тарбиялашга жонбозлик кўрсатган Антонина Хлебущина ўша пайтнинг ўздаёқ «Жаннат ола» номи билан танилган экан.

— Унинг қилган иш кўпчилигимизга ибрат, — дейди Т. Пуставалова. — Ҳаёт хайратларга тўла экан. Кўп одамларни кўрдик. Ортага бир қараб туриб, бекорга яшамаганимизни англайман. Мана шу Меҳрибонлик уйида тарбияланган болалар айни пайтда жамиятнинг энг пешқадамларидан, десам хато бўлмайди. Улардан Луиза Загидулина республикамизнинг танилган адвокатларидан бўлса, Пулат Қодиров курилик соҳасида етук мутахассис. Бошқалари ҳам ҳаётда ўз ўрнини топган инсонлар. Улар ҳар байрамларда, йиғилишларда, тадбирларда келишади, халигача маслаҳатлашади. Уларнинг ортидан қараб туриб, юрагимиз ориштириб кетади.

Очигини айтганда, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан учрашар эканмиш, уларнинг кўнглидаги соғинч ҳиссини кўзга, юрагини оғритиш фикридан йироқ бўлди. Мақсадимиз, уларнинг яшаш шароитлари кўнглидагидек эканлигини кўриш, ҳис қилиш эди. Кўнглимизнинг бир чеккасида умид билан боққан нигоҳларга таскин эмас, ақсинча уларга далда бериш, ҳаётда ўз мавқегага эга бўлиши учун ҳаракат қилиши лозимлигини уқтириш туради.

Болалар — миллатнинг келажаги, эртаси, авлод давомчилари, деган сўз кўпчилигимизга бот-бот чалинади. Бу бежиз эмас. Лекин айнан миллатнинг келажаги бўлган болаларга баъзи ота-оналарнинг муносабати кўнглидагидек эмаслигини тан олишимиз ҳам керак. Тўғри, ҳаёт турли синовлардан иборат. У ҳар бир инсонни чигирдан ўтказар экан, бунда унинг сабр-бардоши синалади. Акс ҳолда юқоридagi кўнгли оғриқлари содир бўлади-ю, бир умр жавобсиз саволлар қаршида тик қолверармиш.

Зиёда АШУРОВА.

Мақтабларга ҳомийлар кўмаги

Жорий йилда Шахрихон туманида умумтаълим мақтаблари ва мақтабгача муассасаларни таъмирлашга 105 миллион сўм ажратилди. Дастлабки чоракда унинг 15 миллион сўми ўзлаштирилди.

— Айни пайтда туман ҳудудида 63 та умумтаълим мақтаби фаолият кўрсатмоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Мухиддин Мирзаев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Кейинги икки йилда Шахрихондаги умумтаълим мақтабларига 95 миллион сўм миқдорда ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Курилиш жиҳозлари билан таъминлашда «Бўстон», «Дўстлик», «Шахрихон», академик Саримсоқов номи ширкат ва фермер хўжаликлари салмоқли ёрдам кўрсатишди.

М. Мирзаевнинг таъкидлашича, туманда ҳар оиннинг чоршанбаси «Мақтаблар кўни» деб эълон қилинган. Шу кўни ҳомий ташкилотлар вакиллари, фермер ва тадбиркорлар мақтабларда бўлишади.

К. НИЗОМОВ.

Корхона шина маҳсулотларини тақлиф этади. ШИНА. ЮК МАШИНАЛАР УЧУН АВТОБУСЛАР УЧУН ТРАКТОРЛАР УЧУН ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН Улгуржи нархларда. ТЕЛЕФОНЛАР: (371) 137-10-14, 137-47-78, 137-47-31, (3732) 24-77-84, 24-71-68.

«ЖИЗЗАХ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» ОАЖ

2003 йил натижалари бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши 2004 йил 18 май куни соат 10.00да Жиззах шаҳри, Садовая кўчаси, 60-уй, жамиятнинг мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

- КУН ТАРТИБИ: 1. Кузатув кенгаши ҳисоботи ва унинг фаолиятига баҳо бериш. 2. «Жиззах электр тармоқлари» ОАЖнинг 2003 йилдаги фаолияти ҳақида дирекция ҳисоботи. 3. 2003 йил якуни бўйича жамиятнинг баланси ва молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот. 4. Жамиятнинг 2003 йилдаги фаолияти бўйича аудитор хулосасини тасдиқлаш. 5. 2004 йил учун жамиятнинг аудиторини тасдиқлаш. 6. Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш. 7. Директор фаолиятига баҳо бериш ва у билан меҳнат шартномасини 1 йилга узайтириш. 8. «Жиззах электр тармоқлари» ОАЖнинг 2003 йил фаолияти бўйича фойдани тақсимлаш. 9. Жамиятнинг 2004 йил вазифалари, бизнес-режаси, харажат ва даромад сметасини тасдиқлаш. 10. Акциядорлар реестрининг ёпилиш ҳолати — 2004 йил 1 март.

«Жиззах электр тармоқлари» ОАЖнинг 2003 йил баланси миң сўмда

№	Кўрсаткичлар номи	Актив	Пассив
1.	Асосий воситалар	2573825	
2.	Узоқ муддатли активлар	563	
3.	Ишлаб чиқариш заҳиралари	139868	
4.	Олиб сотиладиган товарлар	66	
5.	Пул маблағлари	83744	
6.	Дебиторлик қарзлари	7971963	
7.	Устав капитали		3252140
8.	Резерв капитали		192646
9.	Тақсимланмаган фойда (-зарар)		-395641
10.	Олинган бўнақлар		240064
11.	Кредиторлик қарзлари		7480820
	Баланс	10770029	10770029

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот


№	Кўрсаткич номи	Кўрсаткичлар
1.	Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	12072867
2.	Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг фойдаси	536391
3.	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	531798
4.	Ҳисобот давридаги соф фойда	301723

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ. РЕСПУБЛИКА ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ. 2004-2005 ўқув йилига 1997 йилда туғилган иқтидорли ўғил ва қиз болаларни ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУСИҚА БЎЛИМЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ. Аразалар 2004 йил 1 майдан 31 майгача қабул қилинади. Қабул имтиҳонлари 1 июндан бошланади.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА! Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ. Наманган шаҳри, А.Раҳимов кўчаси, 57-ўйда жойлашган Республика болалар спортни ривожлантириш жамғармаси Наманган вилояти филиали. Телефон: (8-3692) 26-50-42.

«Lok Kolor Sintez» корхонасидан. Янгилик! Корхона Халқро сифат совринига сазовор бўлган ва СПРнинг олтин медали билан тақдирланган. Энг замонавий акрилат қопламалар (фақат бизнинг корхонада ишлаб чиқарилади). Товланувчи «Акрилюкс» эмали. Каттиқ «Акрилюкс» эмали. Грунт (асос) бўёғи. Лок.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН «ХАЛҚ БАНКИ». Меҳр ва мурувват йили муносабати билан янги МЕХР — қисқа муддатли омонат турини тақлиф этади. Омонатга пул маблағлари 50 ва ундан юқори ёшдаги фуқаролардан 3 ой муддатга, камида 5000 сўм миқдорда «Халқ банки»нинг барча муассасаларида қабул қилинади.



Иқтидорли шоирлар ўз тахаллуслари билан абадиётга дахлдорлик касб этишади. Бир шоир умри давомида кўп тахаллусларни танлаши ҳам мумкин. Амир Низомиддин Алишербек форс адабиётида Фоний, туркийда эса Навоий тахаллуси ила сарбаланд бўлди.

Боқий қадрият

Навоийнинг навоси



шида завқ йўқ, яшашга ҳавас йўқ, Орзу ва умид йўқ, Борлиқ гўзаллигидан тўлиб-тошмаган кимсаннинг эътиқодига ҳам шубҳа бор:

Шайх дер: ишқи тарк эт, санга ақл ўргатайин, Эй Навоий, киши бўлгайми бу ноҳон янглиғ?

Маълумки, шайх дин оламида унвон соҳиби ҳисобланади. Навоий ишққа қарши гапиргани боис баъзи шайхларни ҳам тан олмайди. Сабаби ўзликини танлишники аввали деб ишқи билди. Ишқ кўнглига таширф бурюмас экан инсоннинг кесақдан фарқи қолмас.

Ҳазрат фақатгина назм илми билан кифояланиб қолмаган. Балки расом, бастакор сифатида ҳам танилган, шогирдлар етиштирган. Бу борада жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд тубандагиларни ёзади: «Хатто Навоийнинг мусиқа оламида ҳам расуҳ (салоҳият) эгаси экани ва бир неча ҳаволар (куйлар) басталагани маълумдир. Рассомликда ҳам Навоий анча хизмат қилди. Кўб расмлар чизгани ривоят этилади. Бу майдонда бир неча шогирдлар етиштирилганлиги Мовароуннаҳр санъаткорлиги дунёсида муҳим ўрин тутадир». Манбалар синчилаб ўрганилганда шу нарса аёнлашадики, шоирнинг қизикмаган соҳаси қолмаган. Айниқса, чолғу асбобларига алоҳида мөҳр қўйгани маълум. «Насойим ул-муҳаббат» отлиғи рисоласида шоир қизик бир ривоятни нақл қилади: «Алар дер эримшларки, рубоб уни беҳишт эшигининг сариридур. (Яъни: рубобнинг куйи жаннат дарвозаси эшигининг гичирлашига ўхшайди). Агар бизга андин завқ хушҳоллик бўлса, жиҳат будур. Бир мункир эшитиб дебдурки, биз доғи эшитурбиз. Бизга нечук ол завқу ҳол бўлмас? (Яъни: рубоб куйини биз ҳам эшитамиз. Лекин нега унчалик завқланмай-

миз? «Алар дебдурларки, сиз ул эшикнинг ётқанининг саририн эшитурсиз, биз очқанининг. Сабаб будурки, бизга завқу ҳол бўлур ва сизга йўқ». (Яъни сиз жаннат эшиги ёпилган пайтдаги гичирлашни эшитасиз. Биз эса очилган пайтдагисини. Шу боис биз завқланамиз. Сиз эса

Демак, шўх хинд боласи сув ўйнайди. Ритмга солинганда тамомила ўзгаришини қаранг: мусиқа сузга, суз мусиқага муносиб. Шоир «шўх» сузига яна ургу беради:

Ул шўх кўнгли лаҳзин этиб тийра нафасидин, Бир тифлдор аққиссаки, кўзу била ўйнар.

Мазкур мисраларни ўқиётган шоирни беихтиёр Суз афсунари деб ўйлайсиз. Уйин тасвири нақадар тиник. Авж нуқтаси шундай.

Уйнай-уйнай боғлади уйқумни фусундин, То тамзаси ул наргиси жоду била ўйнар.

Йигирманчи асрда Оврүпо шеърияти мислсиз даражада тараққий этди. Аввал символизм, сўнг эса модернизм ақллари лол қилди. Аммо, ақсарият шеършослар Фарб Шарқ мумтоз назмидан ўзиб кетмаганини, қандайдир шаклда тақролаганини ўқитиб келадиларки, бу алоҳида бир мавзу. Лекин шу нарсани айтиш мумкин, Навоий ижодиётида суз санъатида қанча жилва бўлса бари мумжасам.

Фарб мутахассислари ўзларида тараққий толган визуал шеърият ҳақида мақтаниб гапирдилар. Бунда шакл ёрдамида «куйланди». Уларнинг фикрича, визуал назм тамомила янглик эмиш. Уша назм кашфиётчиларидан бири бобоканонимиздир. Масалан, «Хамса» муқаддимасидаёқ «Бисмиллаҳу роҳмани роҳим». Ритмга таърирда неча дури ятим» дея лутф қилади-да, шу муборак каломнинг ҳар ҳарфини нимагадир қиёслаб таърифлайди.

Хусусан, ўз тахаллусига бағишлаган ҳарф ўйинлари бор. Дейлик, «нун» бўлмас «войи» бўлардим, дейди. «Нун» пастига айлантисан бошқа кўриниш олади. Тасаввуфда бу Ҳаққа ишора. Яъни қош ва кўз ҳамма нирсон, кўрғувининг, Ҳақнинг тисмоли. Ҳазрат «агарда «нун» бўлмас, Ҳақ бўлмас мен фақат фиғон чекиб ўтардим, «войи» бўлардим», демокчи. Зотан «нун» («на») айирилса «войи» қолади.

Қалам мўъжизасини кўрмоқчи бўлсангиз Навоийни ўқинг. Рухингиз энгил тортади, асаб дам олади. Мислсиз завқ шуқуқ уммонига фарқ бўласиз. Инсон гўзаллигини, аёл жозибасию хуснини ҳазратчалик қўйлаган, тараннум этган шоир йўқ.

Кўзунки қурф ила юз динга солид вайронлағ, Худой учун тий они — йўқбудур мусулмонлағ.

Бу каби байтлар ишқ таърифида инсон онги етган энг баланд нуқта бўлиб, абадул абад қолажак.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД.

«Наво» форс-тожик тилига мансуб суз. Маъноси куй, оханг, хоншидир. Аслида бу суз қадимги даврларда «мусиқа» ўрнида қўлланилган. Амир Алишербек мазкур атамани шу хусусияти учун ҳам танлаган бўлса керак. Даҳо шоир кўпгина газалларида учликни — булбул, гул ва навои ёнма-ён қўяди. Булбулнинг ишқи гул билан мавжуд. Гулни кўргач хонши қилади. Акс ҳолда эса айролик бошланади:

Фурқат ичра Навоий ул гулсиз Булбулעדурки, йўқ наво анда.

Шоир жамики гўзалликлар сабабиси деб Ҳақни танийди. Ҳаққа таслимлик шoirини маҳкам тутайди. Ва шуқр айлаш асносида кўнгли жўшади, турлича оханглар кашф этади:

Навоийнинг тили шуқрунга гўё айлақим, бўлгай Анга ҳамдинг гулистонида ҳар дам юз наво пайдо.

Ҳамма нарсада гўзаллик жилваси. Оқдийгина кўринган япроқ дафъатан киши юрагини тўлқинлатиб юборади. Шу япроқ воситасида ҳам Ҳақнинг танҳолигини англамоқ мумкин-дир:

Е раб, ул барг насиб этки, Навоий топқай, Боги тавҳид

гулу булбулдек баргу наво.

Ҳазратнинг кўпгина газалларида булбул, гул, наво, боғ, япроқ атамалари тақрор ва тақрор келадилар, бу бежиз эмас. Мутафаккир дунёни боққа ўхшатади, гўзаллики гул образида гавдалантиради. Булбул бўлмоқ эса юксак аълом. Яшашдан мақсад — ишқ шуқуқи. Ишқ-муҳаббатни тан олмаган инсон эса нодонларнинг ноҳони. Гарчанд у билмилли бўлса-да.

Мукаммал сан — муҳаббат фани. Ундан сабоқ олмаган ки-

O'ZSANOATQURILISHBANK
Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари

Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари ўзининг умидбахшлиги билан ишончли оқлайди, ундан кўплаб фойдаланувчилар ва кўшимча уланадиган мижозлар ишини уйғунлаштиради ҳамда юқори унумдорлик билан ишлайди.

Ўзбекистонда илк бор ишлаб чиқарилаётган, барча халқаро андозаларга жавоб берадиган, баҳоси тўғри келадиган серверлар.

Корпоратив сотувлар: «Middle East Computers», Тошкент ш., «Ўзбекистон» мехмонхонаси, 1520 офис. Тел.: (998 71) 120-77-78; e-mail: sales@tstech.uz.
«SK-Rest», Тошкент ш., Мусахонов к., 45-уй. Тел.: (998 71) 133-24-63; e-mail: sk-rest@tstech.uz.
Дистрибуторлар: «Сакоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-59-57; «Техсервис», Термиз ш., тел.: (37622) 7-45-54; «Поиск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80, http://www.tstech.uz.

Товар сертификатланган. Intel, Intel Inside® ва Xeon™ логотипи Intel Corporationнинг АКШ ва бошқа давлатларда рўйхатдан ўтган товар белгилоридир.

Корхона қурилиш молларини таклиф этади

Линолеум Россия, эни 1,5 м., 2 м.

Гулақоғоз (СОВОИ) Россия, Беларуссия, ҳархил кўринишларда

Ламинат Германия НДМ корхонасида ишлаб чиқарилган

ТЕЛЕФОНЛАР: (371) 136-17-12, 68-53-43, 137-48-76, (3732) 24-82-00, 24-92-74.
Маҳсулот сертификатланган.

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки жамоаси марказий идоранинг кредитлаш департаменти директори **Сирожиддин ҚАМБАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Акциядорлик тижорат Турон банки жамоаси банк бошқаруви раисининг собиқ биринчи ўринбосари **Сирожиддин ҚАМБАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия билдиради.

Кўмир қазиб олиш ва сотиш акциядорлик бирлашмаси («Кўмир» АБ) жамоаси бирлаша бошқаруви раиси ўринбосари Анорбой Миродиловга волидаси **Ҳадича ая МУСАЕВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси факультет педиатрия кафедрасининг муdiri, профессор **Ақида Мурадходжаевага** турмуш ўртоғи **Абдурашид ХАДЖАЕВ**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Сайдов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Бюроғи 1 — 572, 29008 нуқсадга боғланган. Ҳажми — 2 тибок. Офсет усулида боғланган. Қўғоқ бечини А-2. Газета ИВМ компьютерда терлана ва оператор Б. Файез томонидан саҳифаланган. Тахриривтада ҳажми 5 қўғоқдан зиёд материаллар қабул қилинмайди. (П-Тижорат материал)

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Мятбуотчилар кўчаси, 32-уй. Набатчи котиб — А. Орпнов. Набатчи муҳаррир — Қ. Эшматов. Набатчи — С. Анвар. Мусоҳиҳ — Ш. Машираббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00. 1 2 3 4 5 6